

YANGIYO'L

Туман ва шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

Газета 1930-йил 7-мартдан чиқа бoshлаган

2024-йил 9-феврал, жума

1-2 (9199-9200)

www.yangiyul.uz

Туманимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасида катта ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, “Обод хонадон – обод қўча – обод маҳалла” мезонлари асосида туманнинг “Ниёз-бош” маҳалласида амалга оширилаётган кенг қўламли қурилиш – ободонлаштириш ишлари жадал олиб борилмоқда.

ОБОД ХОНАДОН, ОБОД МАҲАЛЛА ДАСТУРИ АМАЛДА



“Ниёзбош” маҳалласида вилоят ҳокими Зойир Мирзаев маҳалла аҳли билан яқиндан мулоқотда бўлди.

Унда сектор раҳбарлари, вилоят, туман масъуллари, нурунийлар, ёшлар, кенг жамоатчилик иштирок этди. Айтиш мумкинки, мазкур ҳудудда бугун “Обод-маҳалла, обод-қўча, обод-хонадон” мезонлари асосида кенг қўламли ишлар кетмоқда. Ҳудуддаги 5 та қўчадаги 6,7 км. йўللари асфальтлаш, 8 та трансформатор ўрнатиш, 90 та янги темир-бетон устунлар ўрнатилади.

Мулоқот давомида келгусида маҳаллада қандай ўзгаришлар бўлади? Ҳудудда истиқомат қилаётган 743 та оилага муносиб турмуш шароит яратиш, ҳудуд инфратузилмасини яхшилаш, коммунал соҳадаги қилинадиган ишлар режа қилиб олинди.

Шунингдек, болалар ўйингоҳи ва мини стадион, кутубхона, текстил корхонаси ташкил этиш белгиланди. Ниёзбош маҳалла биноси ҳам янгидан қурилиши бошланган.


Ушбу маҳалладаги ички тупроқ қўчалар шағаллаштирилиб, янги бетон сим-ёғочлар ўрнатилмоқда. Табиий газ қувурлари, ичимлик суви иншооти таъмирланмоқда.

Мазкур йўланишда ишлар давом этмоқда.

Суратларда: “Ниёзбош” маҳалласида олиб борилаётган ишлардан лавҳалар.



БУГУН ҲАЗАЛ МУЛКИНИНГ СУЛТОНИ АЛИШЕР НАВОЙИ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН



**Алишер Навоий икки тилда
мукаммал ижод қилган.
Туркий тилда “Навоий”,
форсий тилда эса “Фоний”
тахаллусларини қўллаган.
Алишер Навоийнинг адабий
ва илмий меросини 4 фаслга
бўлиш мумкин: 1. Девонлари.
2. Достонлари. 3. Форсий
тилдаги шеърӣй мероси.
4. Илмий-филологик, насрий
ва тарихий асарлари.**

Алишер Навоийнинг ўзбек тилида яратган шеърӣй мероси асосан “Ҳазойин ул-маоний” девонига жамланган. Асар 4 қисмдан иборат. Девоннинг биринчи қисмига “Ғаройиб ус-сигар” (“Болалик ғаройиботлари”), иккинчи қисмига “Наводир уш-шабоб” (“Йигитлик нодиротлари”), учинчи қисмига “Бадоеъ ул-васат” (“Ўрта ёш бадилари”) ва ниҳоят, тўртинчи қисмига “Фавойид ул-кибар” (“Кексалик фойдалари”) деган номлар берилди. “Ҳазойин ул-маоний” инсон боласининг мураккаб ва юксак тафаккури ҳамда беҳисоб ҳис-туйғулари билан боғлиқ мингларча шеър ва ўнларча шеър турларини ўз ичига олган мажмуа бўлиб, Шарқ адабиёти тарихида ноёб ҳодисадир. Бу хил мажмуа Алишер Навоийга қадар Амир Хисрав Дехлавий томонидангина тузилган. Ушбу девонга кирган мингларча шеърларни Алишер Навоий бутун умри давомида турли шароитларда, ҳар хил сабаблар билан ёзган бўлиб, улар шоир ҳаёти ва у яшаган давр билан сонсиз-саноксиз иллар орқали боғланган. Алишер Навоий “Ҳазойин ул-маоний” га қадар “Илк девон”, “Бадоеъ ул-бидоя”, “Наводир ун-ниҳоя” девонларини тузган.

“Ҳазойин ул-маоний”даги 4 де-

воннинг ҳар бирида 650 тадан 2600 ғазал, умуман 4 девонда 210 китъа, 133 рубоӣй, 86 фард, 52 муаммо, 13 туюк, 10 муҳаммас, 10 чистон, 5 мусаддас, 4 таржеъбанд, 4 мустаъод, 1 мусамман, 1 таркиббанд, 1 қасида, 1 маснавий, 1 соқийнома мавжуд бўлиб, Шарқ шеърӣятининг 16 тури намоеਂдир.

1472-1476-йилларда биринчи девони “Бадоеъ ул-бидоя” (“Бадийлик ибтидоси”) девонини шоҳ амри ва истаги билан ўзи китоб қилади. Мазкур девон 777 ғазал, 85 рубоӣй, 52 муаммо, 46 китъа, 53 фард, 10 туюк, 10 луғз, 3 мустаъод, 5 муҳаммас, 3 таржеъбанд, 2 мусаддасдан таркиб топган.

Алишер Навоий бутун ижоди давомида турли жанр ва йўналишларда салмоқли ижод қилган. Насрда ҳам, назмда ҳам етук асарлар яратган. Насрда Навоий асосан ижтимоӣй-сиёсий, ахлоқӣй-таълимий ва илмий-фалсафӣй, иқтисодӣй йўналишларда қалам тебратган.

Ушбу асарлар мутафаккирининг йирик асарларидир. Улар турли йилларда, турли йўналишларда ёзилган. Навоийнинг бу қадар кенг қамровда қалам тебратганидан шуни билиш мумкинки, у нафақат шоир, балки олим, яъни тилшунос, адабиётшунос,

тарихчи ва файласуф сифатида жаҳон маънавиятига улкан ҳисса қўшган.

Алишер Навоий форс тилида ҳам 12 минг мисрадан ортиқ шеър, муаммо жанри ҳақида “Муфрадоғ” рисоласи, “Ситтайи зарурия”, “Фусули арбаа” туркум қиссаларини яратган, “Девони Фоний” девонини тузган. Бу асарлар шоирнинг Ҳоконий, Саъдий, Абдурахмон Жомӣй каби форс адабиётининг етук намоеਂдалари билан кечган ижодий баҳсларида туғилган. Мазмунда, бадий ифодада Навоийнинг асарлари устозлариникидан қолишмайди. Жумладан, Навоий Абдурахмон Жомӣйни ўзининг устози, ҳаммаслағи сифатида чуқур ҳурмат қилган. Жомӣй “Баҳористон” асарида шогирди Навоий ҳақида жумладан шундай дейди: “...туркий тилда ҳеч ким Навоийдек кўп ва хўп шеър айтмаган ҳамда назм гавҳарларини сочмаган эди”.

АЛИШЕР НАВОЙИ ҲИҚМАТЛАРИДАН

Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз.

Одам — тили билан бошқа ҳайвонлардан имтиёзлидир. Унинг тили орқали бошқа одамлардан афзаллиги билинади. Тил — шунча шарафи билан нутқнинг кулоидир. Агар нутқ номаъқул бўлиб чиқса — тилнинг офатидир.

Кимки, ёлғон сўзни бировга тўнкагай, ўз қора юзини ёғга бўлайди. Озгина ёлғон ҳам улуғ гуноҳдир; озгина заҳар ҳам ҳалок қилувчидир.

*Нафъинг агар халққа бешақдурур
Билки, бу нафъ ўзунга қўпрақдурур.
Одами эрсанг демағил одами,
Ониким йўқ халқ гамидин гами.
Оналар оёғи остидадур
Равзайи жаннатун жинон боғи.
Равза боғи висолин истар эсанг,
Бўл онанинг оёғин тупроғи.
Йигитликда йиғ илмининг маҳзани,
Қарилки чоғи сарф қилгил ани.*

ТУМАН КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Янгийўл туман Кенгашининг VI чақириқ навбатдаги LXXXVII сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда туман Кенгаши депутатлари, тегишли ҳоким ўринбосарлари, ташкилот раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Сессияни туман ҳокими, Халқ депутатлари туман Кенгаши раиси О.Атауллаев очди. Шундан сўнг туман прокурори Ф.Бобораҳимов “Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон - 2030” стратегияси тўғрисидаги фармони талаблари асосида Янгийўл туман прокуратурасида 2023 йил мобайнида амалга оширган ишлари юзасидан ҳисобот”, ХДЯТК Котибияти мудир Ж.Баҳодиров “Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий

давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кенгашининг 2020 йил 11 декабрдаги КQ-161-IV – сонли қарори ва тавсия қилинган қўлланмалари асосида “Халқ депутатлари Янгийўл туман Кенгашининг келиб чиқадиган вазифалари”, туман Адлия бўлими бошлиғи А.Нарзиев “Янгийўл туман Адлия бўлимининг 2023 йилга белгиланган дастурий режаларининг ижроси юзасидан ахборот”, туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Э.Абдураҳимов “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан эҳтиёжманд фуқароларга моддий ёрдам ажратиш тўғрисида” маъруза қилди.

Сессия кун тартибига киритилган барча масалалар депутатлар иштирокида кенг ва атрофлича муҳокама қилиниб, тегишли қарор қабул қилинди.

А.РИХСИБОЕВ.

ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Янгийўл шаҳар Кенгашининг VI чақириқ LXXXVII сессияси бўлиб ўтди.

Сессияни шаҳар ҳокими, халқ депутатлари шаҳар кенгаши раиси Д.Султонов очди. Шундан сўнг шаҳар Адлия бўлими бошлиғи А.Умаров “Янгийўл шаҳар Адлия бўлимининг 2023 йил давомида амалга оширган ишлари ва шаҳардаги давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати тўғрисида”, Янгийўл шаҳар Халқ қабулхонаси раҳбари Ф.Ғозиев “Ўзбекистон Республикаси Президентининг Янгийўл шаҳар Халқ қабулхонаси томонидан 2023 йил давомида аҳоли мурожаатлари ва муаммоларини кўриб чиқиш ҳолати тўғрисида”, “Маҳаллаларда ҳоким ёрдамчилари ва улар томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги ахбороти, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими бошлиғи ўринбосари А.Мўминов “Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш маркази билан биргаликда дастурлар ижросини, шу жумладан он-

лавий тадбиркорликка ажратилган кредитлар самарадорлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”, “Саховат ва кўмак жамғарма” бош ҳисобчиси А.Дадаҳўжаев “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Янгийўл шаҳар бўлимига қошида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда очилган “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан шаҳардаги ижтимоӣй ҳимояга муҳтож, эҳтиёжманд оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш тўғрисида”, Янгийўл шаҳар ҳокимининг Молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари А.Исанбаев “Янгийўл шаҳар маҳаллий бюджетининг 2024 йил 1 январь ҳолатига ҳосил бўлган эркин қолдиқ маблағлари ва керакли тадбирларига тақсимот тўғрисида” ҳисобот берди.

Сессия кун тартибига киритилган барча масалалар депутатлар иштирокида кенг ва атрофлича муҳокама қилиниб, тегишли қарор қабул қилинди.

А.КАМОЛОВ.

2024 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.

ТАЙИНЛОВЛАР



Раҳимов Шухрат Нишоналиевич – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги Халқ қабулхонаси мудири лавозимига тайинланди.

Ш.Раҳимов 1973 йилда Янгийўл туманида туғилган. Маълумоти – олий. 1994 йил Тошкент автомобиль йўллари институтини, 2003 йил Тошкент Молия институтини тамомлаган. Лавозимга тайинлангунга қадар, Давлат бошқаруви органлари ва солиқ идораларида турли лавозимларда фаолият олиб борган.



Каримов Санжарбек Фахлавонович Ўзбекистон Маҳаллалар уюшмаси Янгийўл шаҳар бўлими раҳбари вазифасига тайинланди.

С. Каримов 1991 йил Янгийўл туманида туғилган. Маълумоти олий. Лавозимга тайинлангунга қадар, Янгийўл шаҳар “Наврўз” маҳалласида ҳоким ёрдамчиси вазифасида ишлаб келаётган эди.

Ғозиев Фарҳод Расуломатович - Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент вилояти Янгийўл шаҳридаги Халқ қабулхонаси мудири лавозимига тайинланди.

Ф. Ғозиев 1978 йилда Зангиота туманида туғилган. Маълумоти - олий. 2009 йил МХХ олийгоҳини тамомлаган.

Ф.Ғозиев Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматида, Зангиота туманидаги Эркин ҳудудидаги “Бодомзор” мфй. раиси, “Бодомзор” маҳалла фуқаролар йиғида ҳоким ёрдамчиси лавозимларида фаолият олиб борган.



Ўзбекистон Маҳаллалари уюшмасининг Янгийўл тумани бўлими бошлиғи лавозимига Камиллов Абдумовлон Абдуманнапович тайинланди.

А.Камиллов 1972 йилда Янгийўл туманида туғилган. Маълумоти олий. 1997 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтини тугатган.

А.Камиллов мазкур лавозимга тайинловга қадар Янгийўл туман давлат Солиқ инспекциясида бош инспектори лавозимида ишлаган.



САРҲИСОБ

Шаҳар Халқ қабулхонасига 2023 йил давомида жисмоний ва юридик шахслардан 284 та мурожаатлар келиб тушди. Мурожаатларнинг 185 таси кўриб чиқилиб, 104 таси ижобий ҳал қилинди. 102 таси юқори ташкилотларга, 187 таси ҳудуддаги ташкилотларга юборилиб, 81 та мурожаатларга ҳуқуқий тушунтириш берилган.

Халқ қабулхонаси томонидан ҳудуддаги ташкилотлар раҳбарларининг мурожаатлар билан ишлаш ҳолати юзасидан тегишли Халқ депутатлари Кенгашлари мажлисида муҳокама қилиш учун 4 мартаба, ҳоким ёрдамчилари фаолияти юзасидан 5 мартаба ахборотлар киритилди ва ушбу ахборотлар юзасидан сектор раҳбарлари ва мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилган.

2023 йилнинг ўтган даврида мурожаатлар билан ишлаш, “Оғир ҳудуд” ва “Обод маҳалла” давлат дастури, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп қаватли уйларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш ва бошқа соҳалар бўйича аниқланган камчиликлар юзасидан мутасадди ташкилотларнинг раҳбарларига 18 та тақдимнома киритилди.

Бундан ташқари мурожаатлар билан ишлашда доимий назоратни сусайтириб юрганлиги учун Халқ қабулхонаси томонидан киритилган таклифга асосан шаҳар прокуратураси томонидан шаҳар ҳокимиятининг Ижро интизоми бўйича мутахассиси К.Набиева “Интизомий чора кўриш юзасидан” қарор қабул қилиниб, ижро учун шаҳар ҳокимиятига юборилган.

1 - сектор раҳбари томонидан ҳудудда 2023 йилнинг 12 ойида ўтказилиши лозим бўлган 48 та сайёр қабул белгиланган, ҳақиқатда 60 та ўтказилган.

Уларда 250 нафар фуқаролардан 124 та мурожаатлар келиб тушган. Мурожаатларнинг 66 таси ёки атиги 53.2 фоизи ижобий ҳал қилинган, 46 тасига ҳуқуқий ва 9 тасига асосли тушунтириш берилган.

2 - сектор ҳудудида ўтган йили 48 та қабул ўтказилиши режалаштирилган, ҳақиқатда 52 та ўтказилган. Қабуллар давомида 130 нафар фуқаролардан 114 та мурожаатлар келиб тқшган. Мурожаатларнинг 62 таси ёки атиги 54,4 фоизи ижобий ҳал қилинган, 36 та мурожаатларга ҳуқуқий ва 7 тасига асосли тушунтиришлар берилган.

3-сектор ҳудудида эса ўтказилиши лозим бўлган 48 та сайёр қабул режалаштирилган, ҳақиқатда 50 та ўтказилган. Қабуллар давомида 104 нафар фуқароларнинг 94 та мурожаатлари тингланган. Мурожаатларнинг 49 таси ёки атиги 52,1 фоизи ижобий ҳал қилинган, 34 тасига ҳуқуқий ва 7 та мурожаатга асосли тушунтириш берилган.

4 - сектор ҳудудида ўтказилиши лозим бўлган

48 та сайёр қабул режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда 50 та сайёр қабуллар ўтказилган. Қабуллар давомида 130 нафар фуқароларни 110 та мурожаатлари тингланган. Мурожаатларнинг 66 таси ёки 60 фоизи ижобий ҳал қилинган, 38 та мурожаатга ҳуқуқий ва 3 та мурожаатга асосли тушунтиришлар берилган.

Оммавий сайёр қабуллар ва ёшлар билан учрашувлар сектор раҳбарлари, ҳудуддан сайланган депутатлар, ҳудуддаги ҳоким ёрдамчилари, Ёшлар ишлари бўйича ёрдамчилар ва тегишли корхона ва ташкилотларни жалб қилган ҳолда ўтказилиш таъминланиб келинмоқда.

Халқ қабулхонаси томонидан жойларда “Темир дафтар”ни жорий этиш бўйича ишлар аҳволи ўрганиб чиқилиб, бу борада жойлардаги мутасадди идоралар томонидан тизимли камчиликларга йўл қўйилмаслиги юзасидан доимий мониторинг олиб борилмоқда.

Халқ қабулхонаси томонидан “Фуқароларнинг ташаббусли бюджет лойиҳаси” йўналишида олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинди. Таҳлил натижаларига кўра иккинчи мавсумда “Фуқаролар ташаббусли бюджет лойиҳаси”да шаҳарда ушбу йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган қурилиш-таъмирлаш ишлари учун 4 703 719,60 минг сўм маблағлар шакллантирилган.

Ушбу йўналишда фуқароларимиз томонидан овоз бериш йўли билан 6 та қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилаётган объектлар учун 4 005 000.000 минг сўм маблағлар “Фуқароларнинг ташаббусли бюджет лойиҳаси”дан ажратилган.

Ажратилган маблағлардан 2-сектор ҳудудида жойлашган 12 - мактаб ҳовлисида сунъий чим қопламали спорт майдони, кийим алмаштириш ва ювиниш хоналари, томошабинлар, захира ўйинчилар учун ўриндикларга эга спорт комплексини қуриш, 3 - мактаб биносининг олди ва орқа томонидаги ҳовлисини 1516 кв. метр ва 4-сектор ҳудудида жойлашган 5 - мактаб биноси ҳовлисига 1500 кв. метр асфальт қопламалари ётқизиш ишлари белгиланган.

“Фуқаролар ташаббусли бюджет” лойиҳаси 2-босқичи июнь ойида якунланиб шу йилнинг август ойидан бошлаб молиялаштирилган бўлишига қарамай масъул шахслари томонидан назорат сусайтириб юборилганлиги натижасида юқорида келтирилган фуқаролар томонидан овоз бериш йўли билан шаклланган тадбирлар амалга оширилиши шу кунга қадар бошланмаган. Ушбу камчиликларни бартараф этиш юзасидан шаҳар ҳокимиятига тақдимнома ва сектор раҳбарларига ёзма кўрсатмалар юборилди.

Ш. ДЕХҚАНОВ,
шаҳар Халқ қабулхонаси
етақчи мутахассиси.

ХАЛҚИМИЗ ДАРДУ
ТАШВИШНИ ТИНГЛАБ

Халқ қабулхоналари Халқимизнинг дарду ташвишини тинглаб, муаммоларига ечим топишда энг жонқуяр, самарали, ишончли ва қулай тизимга айланди. Бугунги кундаги бош мақсадимиз – фақат кучли ҳуқуқий демократик давлат эмас, балки адолатли жамият барпо этишдир.

Бугун Халқ қабулхоналари бу йўналишдаги конституциявий нормаларни ҳаётга жорий этишга, халқимизнинг асрий орзуларини рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда. Бу жараёнда барча даражадаги раҳбарларнинг фуқаролар билан очик, ошқора мулоқоти йўлга қўйилиб, аҳолининг ҳақли талабларини ҳал этиш ва эҳтиёжларини аниқлаш, ҳаётдан рози бўлиб яшашига қўмаклашиш муҳим вазифа сифатида белгилаб олинган.

Президентимиз халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак, деган улугвор ғояни илгари суриб, раҳбарларнинг муносабатлари билан ишлаш масъулиятини оширди.

Эндиликда ҳаётнинг ўзи аҳоли мурожаатларига муносабатни тамомила ўзгартириб, ҳатто уларнинг ижроси қай даражада бажарилаётганини чуқур таҳлил қилишни тақозо қилмоқда. Буларнинг барчаси юртимизда очиклик ва ошқораликнинг амалдаги самараларидир.

Янгийўл тумани, “Кескан” маҳалласи, “Кескан” кўчасида яшовчи 3 нафар фарзанднинг онаси фуқаро Кундузалиева Гулноза мурожаат қилиб, 1 нафар фарзанди 2-гуруҳ ногирони эканлиги, ижтимоий таъминотга муҳтожлиги, кадастр ҳужжатларига эга бўлмаганлиги боис, кўп вақтдан бери қийнаб келаётгани, табиий газ ва ичимлик суви муаммоси юзасидан туман Халқ қабулхонасига мурожаат қилди.

Мазкур муаммони бартараф этиш мақсадида Халқ қабулхонаси етакчи мутахассиси ташаббуси билан фуқаро “Аёллар дафтари”га киритилиб, “Янгийўлтумангаз” корхонаси билан шартнома тузилиб, ҳар ойда суюлтирилган газ баллон билан таъминлаб берилмоқда.

Шунингдек, фуқаронинг кадастр ҳужжатларини шакллантиришда амалий ёрдам берилиб, ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистоннинг Халқ қабулхоналари фидойи халқимизнинг том маънодаги дарду-ташвишини тинглаб, қувончларига шерик бўладиган, улар дуч келаётган муаммоларни ишончли ҳал этадиган ўзига хос тузилмага айланди. Ҳокимият ва халқ ўртасида очик, шаффоф мулоқот қилиш тизимини яратди. Бундай улугвор, эзгу ишлар жойларда қонун устуворлигини таъминлаб, одамларни рози қилиш, уларнинг эртага эмас, айнан бугун яхши яшаши, муносиб турмуш кечириши учун барча шароитларни яратиб беришга қаратилгани билан аҳамиятли бўлмоқда.

Б. ХИДИРОВ,

тумандаги Халқ қабулхонаси етакчи мутахассиси.

МАҲАЛЛАДА ДУВ-ДУВ ГАП

“Кескан” маҳалласида Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлини маси ташаббуси билан “Янги ҳаёт учун, янги Ўзбекистон учун!” шиори остидаги “Маҳаллада дув-дув гап” лойиҳаси доирасида маънавий-маърифий тадбири ташкил этилди.

Тадбирда Маърифат тарғиботчилар гуруҳи аъзоси, шоир Эркин Ақром, Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлини маси мутахассиси А.Ғопиржонов ҳамда ижодкор - педагог Ш. Усмоновлар сўзга чиқишди.



Тадбирда сўзга чиққанлар инсон қадрини улуглаш, аҳолимиз манфаатларини таъминлаш, бунинг учун кучли иқтисодийёт барпо этиш бизнинг асосий вазифамиз эканлиги ҳақида гапириб ўтдилар.

Республика Маънавият ва маърифат маркази шаҳар бўлини маси ва ҳамкор ташкилотлар билан “Файзли” маҳалласида “Янги ҳаёт учун, янги Ўзбекистон учун!” шиори остида “Маҳаллада дув-дув гап” лойиҳаси асосида 2024 йил “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” тарғиботига доир маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Унда “Файзли” маҳалласи аҳолиси, нурунийлар, ёшлар, хотин-қизлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар “Янги йилда иқтисодийётимизга хорижий инвестицияларни жалб этилиши натижасида тадбиркорлик ва хусусий мулк учун кенг имкониятлар яратиши, илм-фан, инновация каби соҳаларни „яшил“ ва



рақамли технологияларни ривожланиши, янги иш ўринлари яратилиши, иш ҳақи, пенсия ва нафақалар миқдори кўпайиши, хотин-қизлар ва нурунийларни, ёрдамга муҳтож инсонларни қўллаб-қувватланиши ҳақида айтиб ўтдилар.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари тизимида қонунийликни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланганлиги муносабати билан “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонуни 2023 йил 31 октябрдан кучга кирди.

ЯНГИ ҚОНУН МОҲИЯТИ

Мазкур Қонунни қабул қилишга нима зарурат бор эди?

Кейинги йилларда мамлакатимиз мудофааси, хавфсизлиги ва халқимиз осойишталигини таъминлаш, замонавий қуролланган ва қудратли армияни шакллантириш ҳамда ҳарбий хизматчиларни ва Қуролли кучлар тизими ходимларини қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Шундай кенг қамровли ислохотлар ва саъй-ҳаракатлар натижасида ҳарбий йўналишдаги давлат дастурлари ижросини ўз вақтида ва самарали ташкил этиш, ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда Қуролли кучлар тизими ходимларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, бюджет маблағлари мақсадсиз сарфланиши ҳолатларининг барвақт олдини олиш ва соҳадаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан таъсирчан назорат ўрнатиш масалалари алоҳида долзарб аҳамият касб этди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 23 декабрдаги тегишли фармони қабул қилинди. Шу ўринда таъкидлаш жоиз, қарийиб чорак асрдан буён Ҳарбий прокуратура органлари фаолияти билан боғлиқ ислохотлар амалга оширилмаган эди.

Фармонда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси зиммасига унинг Қуролли кучларда қонунчилик ҳужжатларига сўзсиз риоя этилиши устидан назоратни кучайтиришга, шунингдек, ҳарбий прокуратура органлари, шу жумладан, ташкилий - штат тузилишига ва фаолиятга доир бошқа масалаларга оид қатор вазифалар юклатилди.

Ушбу фармон билан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ташкилий - штат тузилмаси ва таъминоти Мудофаа вазирлигидан Бош прокуратурага ўтказилди.

Бош прокурор ва Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорига

ҳарбий прокуратура органларига ҳарбий хизматга қабул қилиш ва ундан бўшатиш, ходимларга белгиланган тартибда ҳарбий унвонлар бериш ваколатлари берилди.

Қуролли кучлар вазирлик ва идоралари Ҳарбий ҳайъатининг, ҳарбий округлар ҳарбий кенгашларининг давлат суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва хавфсизлигини, аҳолининг тинч ҳаётини таъминлашда қонунийликни таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори ва ҳудудий ҳарбий прокурорлар масъулиятини ошириш кўзда тутилди.

Бир сўз билан айтганда, бу каби янгилик ва ўзгаришлар ҳамда фармонда белгиланган қатор вазифалар “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг тегишли нормаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни тақозо этди.

Шундан келиб чиқиб ҳамда юқоридаги фармон ва у билан тасдиқланган “Йўл харитаси” ижроси доирасида “Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари тизимида қонунийликни таъминлаш бўйича қўшимча чора - тадбирлар белгиланганлиги муносабати билан “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, белгиланган тартибда қабул қилинди.

Мазкур қонунга кўра, ҳарбий унвонлар бериш ва олий даражали ҳарбий унвонлар бериш тўғрисидаги тақдимома билан Ўзбекистон Республикаси Президентига мурожаат этиш Бош прокурор ваколатига киритилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг: беш йиллик ваколат муддати; йигирма беш ёшдан кичик бўлмаслиги; ходимларни муайян лавозимларга

тайинлаш ва озод этишдаги, шу билан бирга, ўзига бўйсунувчи ходимлар учун мажбурий бўлган буйруқлар, кўрсатмалар, фармойишлар чиқариш ваколатлари қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди.

Прокуратура органлари ва муассасаларида хизматни ўташ, прокуратура органлари ва муассасаларининг ходимларига даражали унвонлар ва ҳарбий унвонлар бериш ҳамда улардан маҳрум этиш, уларни рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш тартиби “Прокуратура тўғрисида”ги қонунда, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисидаги низомда, шунингдек, бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгилангани назарда тутилди.

Умуман олганда, “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 9 та моддасига ва жами 18 та нормасига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Мухтасар айтганда, ушбу янгилик ва ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари тизимида қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш бўйича ҳарбий прокуратура органларининг чинакам мустақил фаолияти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасида, шу жумладан, бюджет маблағларини ва давлат мулкни талон-тарож қилиш ҳолларининг олдини олиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар самардорлигини янада оширишга замин яратилди.

Акбар БОБОЕВ, Тошкент ҳарбий прокурори, адлия полковниги. Алишер ҚУРБОНОВ, Тошкент ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси, адлия подполковниги.



ЎЙЛАМАЙ БОСИЛГАН ҚАДАМ

Дастлабки тергов даврида тўпланган ҳужжатларга кўра, 1972 йили Тошкент вилояти, Чиноз туманида туғилган А. Раимов қуйидагиларда айбландики, яъни у Чиноз тумани, Навоий м.ф.й., “Шодлик” кўчаси, 9-уйда истикомат қилиб келиб, ижтимоий фойдали меҳнат фаолияти билан шугулланмасдан, ноқонуний моддий бойлик орттириш мақсадида жиноий фаолият юритишликни кўзлаб, “Иктиодиёт соҳасидаги жиноятлар” туркумига кировчи такроран “Ўғирлик” жиноятларини содир этганлигида фош этилди.

Жумладан, А. Раимов ўзининг ғаразли ва паст ниятларини амалга ошириш мақсадида, 2013 йилдан шу кунга қадар Янгийўл шаҳар, “Наврўз” м.ф.й., Самарқанд кўчасида жойлашган “EXSPERT CONSTRUCTION” МЧЖда қоровул бўлиб ишлаб келиб, ўзганинг мол-мулкни яширин равишда талон-тарож қилиш мақсадида, 2023 йил октябрь ойининг бошларида “EXSPERT CONSTRUCTION” МЧЖ раҳбари Ф. Каримовни хонасига калит танлаш йўли билан ғайриқонуний равишда кириб, ўз ёнида бўлган калит орқали сейфда мавжуд пул маблағларидан 200 АҚШ долларини яширин равишда талон-тарож қилиб, ўғрилиқ

йўли билан қўлга киритган пул маблағларини ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

Бундан ташқари А. Раимов такроран ўзининг ғаразли ва паст ниятларини амалга ошириш мақсадида, 2023 йил 14 октябрь куни “EXSPERT CONSTRUCTION” МЧЖ раҳбарини хонасига калит танлаш йўли билан ғайриқонуний равишда кириб, ўз ёнида бўлган калит орқали сейфда мавжуд пул маблағларидан 80.000.000 сўм ва 3.200 АҚШ доллар пул маблағларини яширин равишда талон-тарож қилиб, ўғрилиқ йўли билан қўлга киритган пул маблағларини ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

Шундай қилиб, А. Раимов кўп микдорда яширин равишда талон-торож қилишда ифодаланган ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” ва “в” бандларида кўрсатиб ўтилган жиноятни содир этганлигида айб ёшон қилиниб, жиноят ишлари бўйича Янгийўл шаҳар судига юборилган.

Нозим ИСТАМОВ, шаҳар ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлинимаси катта терговчиси, капитан.



ИПОТЕКА КРЕДИТИГА СУБСИДИЯЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрда “Аҳолига ипотека кредити ва уй-жой сотиб олиш учун субсидия ажратиш жараёнларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори қабул қилинди.

Қарорда аҳолига анча қулайликлар яратилди. 2022 йил 1 декабрдан бошлаб ишчи комиссия аъзолари қисқартирилди, шунингдек, субсидия ажратиладиган талабгорларни танлаб олиш бўйича комиссиялар таркиби мақбуллаштирилиб, 2 та ваколатли идоралар чиқариб ташланди ва 4 таси эса аризаларни кўриб чиқиши бекор қилинди, бунда мазкур ташкилотларнинг маълумотлари “subsidiya.idm.uz” дастурий таъминоти орқали автоматик тарзда шакллантирилиши таъминланди, бу дегани инсон омилини аралашмасликка олиб келди.

Қарорга қўшимчалар киритилди, булар ёш оилалар, шу жумладан, 30 ёшдан ошмаган фуқаролар ва олис ва чекка ҳудудларда жойлашган бюджет ташкилотларига бошқа ҳудудлардан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун келган олий маълумотли мутахассислар ва тиббиёт ходимлари.

Янгийўл шаҳар давлат хизматлари марказига ўтган йилнинг ярим йиллик ҳисоб - китобига кўра, жами 567 та фуқаролар ариза билан мурожаат қилди ва 62 та ариза ижобий, деб топилди ва улар уй-жой билан таъминланди.

Президентимизнинг бунга оид 2023 йил 13 апрелдаги ПФ-51 сонли фармони ижросини таъминлаш мақсадида Янгийўл шаҳрида ташкил этилган ипотека хизматларини кўрсатиш маркази ишчи гуруҳидан иборат 14 та ташкилот аъзолари доимо иш фаолиятида.

С. СААТОВ, шаҳар Адлия бўлими Давлат хизматлар маркази раҳбари.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш молиявий қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-387-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, қарорга кўра, қишлоқ хўжалиги қорхоналарига ва маҳсулотларни қайта ишловчи, сакловчи ва экспорт қилувчи қорхоналарга қуйидаги тартибда маблағлар ажратилади, яъни:

- қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун кредитлар 150 миллион сўмгача гаровсиз берилади;
- кредитлар бўйича фоиз тўловлари йиллик 14 фоиз микдорида белгиланиб, 6 ойгача имтиёзли давр билан 12 ой муддатгача ажратилади;
- ажратиладиган кредитларнинг 50 фоизигача бўлган қисми қарз олувчи талабига асосан нақд пулда тақдим этилади;
- ажратиладиган кредитлар бўйича



боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари гаров таъминоти сифатида қабул қилинади.

- қишлоқ хўжалиги экинлари етиштирувчиларга ҳосилни хавф-хатардан сугурта қилиш харажатларининг 50 фоизи қишлоқ хўжалигининг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан қоплаб берилади.

Сандислом ЖАМОЛОВ, туман Адлия бўлими юридик хизмат кўрсатиш маркази бошлиғи.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯДА

Инсон ҳуқуқлари деганда, давлат ёки мансабдор шахслар томонидан муайян шахснинг ёки шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши ва бунга таъминлаш билан боғлиқ бўлган давлат ва индивид ўртасидаги ўзаро ҳуқуқий муносабатлар тушунилади. Бундай муносабатларнинг бузилиши, яъни инсон ҳуқуқларига даҳлдор бўлган мавжуд қонуналарга риоя қилмаслик, фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишларига мансабдор шахслар томонидан тўсқинлик қилиниши ёки бўлмаса давлат томонидан ўзининг халқаро мажбуриятларининг бажарилмаслиги, халқаро стандартларнинг миллий қонунчиликка етарли даражада имплементация қилинмаслиги ва уларга амалиётда етарли даражада риоя этилмаслиги каби ҳолатлар мамлакатдаги инсон ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатларига олиб келади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан шугullanувчи давлат ташкилотлари тизими шаклланди. Бу тизимда анъанавий судлов ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан иборат бўлган судлов органлари билан бир қаторда, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ва нодавлат ташкилотларидан иборат бўлган инсон ҳуқуқлари бўйича носудлов органлари ҳам шаклланди. Ўзбекистон Республикасининг адлия органлари инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш тизимида муҳим аҳамият касб этиб, анъанавий тарзда ҳуқуқни қўллашчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар сирасига қиради. Адлия вазирлиги томонидан ижтимоий-сиёсий ҳаётни, давлат тузилишини, шу жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасини эркинлаштириш, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлашга йўналтирилган қонунлар ижросини таъминлаш бўйича аниқ мақсадга йўналти-



рилган ишлар амалга оширилмоқда. Вазирликнинг бевосита иштирокида инсон ҳуқуқларини, тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмлари яратилди, ҳуқуқни қўллаш амалиётини доимий таҳлил этиб бориш ва мониторинг қилиш ҳамда амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича асосли таклифлар ишлаб чиқиш тизими жорий қилинди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари ҳамда самарали механизмларини яратиш, уларни доимий равишда такомиллаштириб бориш давлат сиёсатининг бош мақсадига айланди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари олий қадриятга айланди.

А.УМАРОВ, шаҳар Адлия бўлими бошлиғи.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING 2023 ЙИЛ 30 АВГУСТДАГИ “ГИДРОТЕХНИКА ИНШООТЛАРИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИНИНГ МАЗМУН МОҲИЯТИ ТЎҒРИСИДА

“Қуйи Бўзсув ГЭСлар каскади” унитар корхонасида Ўзбекистон Республикасининг “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги қонунининг мазмун-моҳиятига бағишланган семинар-йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Тошкент вилояти Сув хўжалиги объектларини назорат қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича бош мутахассиси М.Менлибаев, “Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг “Қуйи Бўзсув ГЭСлар каскади” УК директори Д. Рўзибаев, Гидротехника иншоотлари бўлими бошлиғи Б.Мамаюсуповлар сўзга чиқишиб, қабул қилинган қонунни ҳаётга тadbик этиш борасидаги вазифалар тўғрисида гапирдилар.



Қонун 6 та боб ва 34 та моддадан иборат. Эски тахрирдаги Қонуннинг 59 та бандига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди, 6 та банди чиқариб ташланди, шу билан бирга, 167 та янги бандни ўз ичига олувчи 20 та янги модда киритилди.

Бундан ташқари, Қонунда Сув хўжалиги вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекциясининг ваколатлари ва мажбуриятлари белгиланди.


Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги устидан давлат назоратини махсус ваколатли давлат органининг ўз ваколати доирасида гидротехника иншоотлари ҳудудига монеликсиз қилиш, шунингдек, ўз назорати остидаги гидротехника иншоотларини бир йилда камида икки марта текшириши белгиланди.

Гидротехника иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларида, биринчи навбатда, уларнинг хавфсиз ва ишончли ишлашини таъминлаш.

Гидротехника иншоотларидаги лойиҳа-қидирув ишларини илмий-техник жиҳатдан кузатишда илмий ташкилотлар иштирокини таъминлаш.

I ва II синфга мансуб гидротехника иншоотларини лойиҳалашда нуфузли халқаро ташкилотлар ва хорижий компанияларнинг юқори малакали мутахассисларини жалб қилиш.

Гидротехника иншоотлари лойиҳаларини бир вақтнинг ўзида (параллел равишда) ишлаб чиққан ҳолда қуриш ва реконструкция қилиш тақиқланмоқда.



Гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш юзасидан буюртмачи, лойиҳа, пудрат ва фойдаланувчи ташкилотларнинг масъулияти оширилди.

Махсус ваколатли давлат органининг зарур бўлган ваколатлари кенгайтирилди ҳамда масъулияти ошадди, иншоотларни лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш-тиклаш, консервация қилиш ва тугатиш ишларида хавфсизлик бўйича назорат кучайтирилди.

Гидротехника иншоотларининг хавфсиз ва ишончли ишлаши ҳамда аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларининг хавфсизлиги таъминланади.

2024 йил 1 январдан бошлаб, гидротехника иншоотида содир бўлган авария натижасида етказилган зарар учун мажбурий сўғурталаш, гидротехника иншоотида содир бўлган авария натижасида етказилган зарарни қоплаш белгиланди.

ФОЙДАЛАНУВЧИ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ГИДРОТЕХНИКА ИНШООТЛАРИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ:

Гидротехника иншоотларини таъмирлаш-тиклаш, реконструкция қилишда иштирок этади ҳамда ишларнинг лойиҳа асосида амалга оширилишини талаб қилади;

гидротехника иншоотларида хавф тутилган ҳолатларда, гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги қондаларига асосан мустақил чора кўради;

гидротехника иншоотлари ҳудудига тегишли ваколатга эга бўлмаган юридик ва жисмоний шахслар киритилмаслигини таъминлайди;

қуриқлаш хизматларидан гидротехника иншоотларини қуриқлаш талабларига тўлиқ риоя этишини талаб қилади;

гидротехника иншоотлари ҳудудига жисмоний ҳамда юридик шахслардан хавфсизлик қондаларига қатъий амал этишини талаб қилади;

гидротехника иншоотларининг назорат-ўлчов ва кузатув қурилмаларини ишчи ҳолатда сақлаш ва тақомиллаштириш ҳамда улардан мақсадли фойдаланилишини таъминлайди;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги декларацияси ишлаб чиқирилишини ва тасдиқланишини таъминлайди;



БУЮРТМАЧИ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ГИДРОТЕХНИКА ИНШООТЛАРИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИ:



Гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида буюртмачи ташкилотлар гидротехника иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, консервациялаш ва тугатиш чоғида: лойиҳа ҳужжатларини давлат экологик экспертизасидан ўтказиши, шунингдек, гидротехника иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш даврида давлат экологик экспертизасининг ҳулосасида кўрсатилган талабларни бажариш;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги қурилиш соҳасидаги ҳудудий назорат инспекцияларида объектларнинг рўйхатдан ўтказилишини таъминлаш;

техник назорат ва мониторингни амалга ошириш;

лойиҳа талабларига мувофиқ ишларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қилиши ҳамда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш;

гидротехника иншоотларини фойдаланишга қабул қилиш чоғида уларнинг зилзилабардошлигига доир инструментал-техник текширувдан ўтказилишини ташкил этиш;

лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишга маъмур соҳадаги ихтисослашган нуфузли лойиҳа ташкилотларининг жалб этилишини таъминлаш;

I, II ва III синфга мансуб гидротехника иншоотларининг лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини махсус ваколатли давлат органи билан келишиш;

ЛОЙИҲА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ГИДРОТЕХНИКА ИНШООТЛАРИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИ:

Гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида лойиҳа ташкилотлари гидротехника иншоотларини қуришни, реконструкция қилишни, таъмирлашни, консервациялаш ва тугатишни лойиҳалаштириш чоғида:

лойиҳаларни Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига, «Экологик экспертиза тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари талабларига ва бошқа тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқиши;

лойиҳа ҳужжатларида юқори самарали машиналар ва механизмлар, замонавий қурилиш материаллари, технологиялари ҳамда ускуналари қўлланилишини назарда тутиши;

гидротехника иншоотларидан фойдаланиш қондаларини буюртмачи ташкилотнинг талабномасига кўра ишлаб чиқиши;

лойиҳа-смета ҳужжатларининг экспертизасида, шу жумладан давлат экологик экспертизасида иштирок этиши;

лойиҳалаштириш чоғида муҳандислик-геологик қидирув ишларининг сифатли бажарилишини таъминлаши;

лойиҳани бажаришда шартномага асосан муаллифлик назоратини амалга ошириши;

лойиҳалаштириш чоғида гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги мезонларини инобатга олиши шарт.

гидротехника иншоотларини қуришни, реконструкция қилишни, таъмирлашни, консервациялаш ва тугатишни лойиҳалаштириш чоғида лойиҳа ташкилотларининг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

ПУДРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ГИДРОТЕХНИКА ИНШООТЛАРИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИ:

Гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида пудрат ташкилотлари гидротехника иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, консервациялаш ва тугатиш лойиҳаларини амалга ошириш чоғида:

лойиҳада назарда тутилган ишларнинг лойиҳа талабларига мувофиқ ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаши;

лойиҳани амалга ошириш даврида назорат ҳужжатлари юритилишини, лойиҳа ташкилотларининг ва буюртмачи ташкилотнинг, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги қурилиш соҳасидаги ҳудудий назорат инспекцияларининг, шунингдек махсус ваколатли давлат органининг кўрсатмалари бажарилишини таъминлаши;

лойиҳаларни амалга ошириш чоғида буюртмачи ташкилотга ижро ҳужжатларини, қурилиш материаллари ва ускуналарининг тегишли мувофиқлик сертификатларини ҳамда техник паспортларини тақдим этиши;

қурилиш жараёнида, шунингдек, фойдаланишнинг қафоллати даврида муаллифлик ва техник назорат натижасида аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиши;

қурилишга оид таваккалчиликлар хавфини мажбурий сўғурта қилишни амалга ошириши, қурилиш даврида объектнинг қуриқланишини таъминлаши шарт.

Гидротехника иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, консервациялаш ва тугатиш лойиҳаларини амалга ошириш чоғида пудрат ташкилотларининг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИЛДИ:



Бунда, 76-модда. Сув хўжалиги объектлари ва қурилмаларини шикастлантириш, улардан фойдаланиш қондаларини бузиш, шунингдек гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ҳолатлари кузатилганда қуйидаги

миқдорда жарима солиш белгиланди.

Сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларини шикастлантириш, — базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларидан фойдаланиш қондаларини бузиш — мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.



“Қуйи Бўзсув ГЭСлар каскади” унитар корхонаси.

ԿԱՐՓՈՒՄ

:7060-2-26-02, 7060-2-20-23.



ҚУТУРИШ – ЎТА ХАВФЛИ КАСАЛЛИК

Қутуриш иссиққонли ҳайвонлар ва одамда учрайдиган асаб тизимининг оғир шикастланиши билан кечадиган ўта хавфли юқумли касалликдир. Республикада одамлар учун касалликнинг асосий юқиш манбалари ит, камдан-кам ҳолларда мушук, ёввойи ҳайвонлардан бўри, чиябўри, тулки ва кемирувчи (сичқон ва каламушлар) ҳайвонлар ҳисобланади.

Итлар ва уй ҳайвонларига касаллик асосан касал ҳайвондан ва ёввойи табиатда учрайдиган тулки, бўри ва чиябўрилардан юқади. Касаллик одамга қутуришга чалинган ҳайвонларнинг тишлаши ва тирнаши натижасида сўлаги орқали юқади. Қутуриш вируси касалланган ҳайвоннинг сўлаги ва мия тўқимасида бўлади. Сўлак касалликнинг ягона юқиш омили ҳисобланади.

Қутуриш одамларда ҳам, ҳайвонларда ҳам жуда оғир кечиби, хамиша ўлим билан якун топади.

Шунинг учун ҳам ҳар-бир фуқаро ушбу касалликни олдини олишда аввало ҳайвонлардан жароҳатланганда зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш, бирламчи тиббий ёрдам олиш, профилактик эмлаш муолажаларини ўз вақтида тўлиқ олиш, врач кўрсатмаларига пухта амал қилиш лозимлигини эсдан чиқармаслиги керак.

Қутуриш касаллигига чалинган ҳайвонларда кузатиладиган белгилар:

Қутуриш касаллигига чалинган ҳайвонлар тажовузкор бўлиб, дуч келган ҳайвонлар ва одамларга ташланади, тишлашга, тирнашга ҳаракат қилади, ёруғликдан қўрқади, қоронғу жойга кириб олишга ҳаракат қилади, эгаси чақирганда олдига келмайди, овқатланишдан бош тортади, тўғри келган жисмларни оғзига солиб, ютади, кейинчалик ютиниши қийинлашади, оғзидан жуда кўп сўлак оқади, безовта бўлади, товуши бўғилиб, йўқола бошлайди ва орқа оёқлари ҳаракатланмай қолади, яъни фалажланиш ҳолатлари кузатилади.

Ўтказилган тажрибалар натижасида шу нарса аниқланганки, қутурган ҳайвоннинг сўлаги касалликнинг клиник аломатлари пайдо бўлмасдан 10 кун олдин зарарли бўлиши мумкин экан. Демак, касал ҳайвонлардан ташқари кўринишидан соғлом кўринган ҳайвонларнинг сўлаги ҳам танамизга тегишидан сақланиш керак.

Сиз агар ит ва бошқа уй ҳайвонларида касалликнинг шундай белгиларини кузатсангиз, дарҳол ҳудудингиздаги ветеринария мутахассисларига мурожаат этинг!

Агар ҳайвонлар томонидан жароҳатланганда нима қилиш керак?

Агар ҳайвонлар томонидан жароҳатланганда зудлик билан тиббий ёрдамга мурожаат қилиш керак, жароҳат тананинг қайси қисмида жойлашганлиги ва унинг оғир, енгиллигига қараб врач даволаш муолажаларини белгилайди. Ҳайвонлардан жароҳатланган ҳар бир фуқаро врач айтганларини тўла тўқис бажариши лозим.

Даволаниш даврида белгиланган профилактик эмлашни ўзбошимчалик билан тўхтаиб қўйиш, оғир куч талаб қиладиган меҳнат билан шуғулланиш, иссиқ ҳаво ҳароратда кўп юриш ҳамда спиртли ичимликлар истеъмол қилиш қатъиян ман этилади.

Ҳайвонлардан жароҳатланган фуқароларга травматология ёки жарроҳлик бўлимларида тиббиёт ходимлари Сизга бепул хизмат кўрсатадилар.

Қутуриш касаллигини олдини олиш учун нималар қилиш керак:

-Аввало ит сакловчи фуқаролар уйда сақланаётган итларнинг руйхатдан ўтказиб, ҳар йили белгиланган муддатларда уларни қутуришга қарши мажбурий эмлатиш керак;

-Агар бирор ит ёки бошқа уй ҳайвонлари қутурганлигига гумон қилинса, дарҳол ветеринария хизматига хабар бериш керак;

-Агарда бирорта ҳайвон Сизга жароҳат етказса зудлик билан тиббий ёрдамга мурожаат қилиш ҳамда ушбу жароҳат етказган ҳайвонни ҳар-хил йўллар билан ўлдириб ташламасдан ветеринария хизматига хабар бериш лозим, агарда ушбу жароҳат етказган ҳайвон турли хил йўллар билан йўқ қилиб, ташланса жароҳатланган фуқарога нисбатан даво муолажаларини ўтказишда бир қанча қийинчиликлар туғдиради;

-Ҳайвонлар томонидан жароҳатланганда (тишласа, тирнаса) зудлик билан тиббий ёрдамга мурожаат қилиш керак;

-Агарда кўчаларда дайди ва қаровсиз ҳайвонлар аниқланса зудлик билан ҳудудий Ободонлаштириш бошқармаси қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш бўлимига хабар бериш керак;

-Ит ва мушук сақлаш қоидаларига тўлиқ

риоя қилиш, уларни тоза сақлаш, дайди ҳайвонлар билан алоқада бўлишга йўл қўймаслик, вақти-вақти билан ветеринария кўригидан ўтказиб туриш;

-Айниқса ёш болаларни ит ва мушуклар билан ўйнаганда назоратсиз қолдирмаслик чораларини кўриш;

Баъзи кишилар хонадонларидаги итлар касал бўлса ёки боқаолмаса, уларни кўчага ҳайдашда ёки қаерларгадир ташлаб келишади. Шундан кейин бу итлар қаровсиз, дайди итларга айланиб қолади. Дайди итлар эса қутуриш касаллигининг манбаи сифатида атрофдагилар учун хавф туғдиради.

Агарда Сизда шундай ҳолат учраса (ит керак бўлмай қолганда) ушбу итни ҳудудий Ободонлаштириш бошқармаларига топширингиз мумкин;

Ҳайвон тишлашидан жабрланган одамнинг қутуриш касаллигидан асрашнинг ягона йўли-бу қутуришга қарши ўз вақтида эмлатишдир.

Юқорида зикр этилган тавсияларга амал қилинган тақдирдагина, биз дахшатли ўта хавфли юқумли касаллик ҳисобланган қутуришдан ўзимизни асраган бўлаемиз.

Қутуриш – бедаво дард эканлигини бир лаҳза ҳам унутмаслигимиз керак.

Ш. ЮНУСОВ, шаҳар Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи.



Эвакуация чиқиш жойларининг сони, уларнинг ўлчамлари, ёритиш ва тутундан химояланиш таъминланганлиги шароитлари, шунингдек, эвакуация йўлларининг узунлиги шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларидаги ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Эвакуация йўлларидаги эшикларни қулфлаб қўйиш тақиқланади. Хонада одамлар бўлганда эшикларни ички томонидан осон очиладиган қилиб қулфлаш мумкин.

Эвакуация йўлларидаги барча эшиклар бинодан чиқиш йўналиши бўйича эркин очилиши керак.

Бино ва иншоотларда ҳамда улардан чиқиш эшикларининг устки қисмида эвакуация йўлларини ва чиқиш жойларини кўрсатувчи ёнғин хавфсизлиги белгилари ўрнатилиши керак.

Одамлар оммавий бўладиган бино ва иншоотлардаги эвакуация йўллари бўйлаб чиқиш эшикларининг устки қисмида бинони тарқ этиш йўналиши бўйича яшил рангдаги «Чиқиш» деган ёзувли ёруғлик кўрсаткичлари ўрнатилиши лозим.

Оммавий тадбирларни ўтқа-

ЭВАКУАЦИЯ ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛАЙЛИК

зишда бинода одамлар бўладиган вақт ичида ёруғлик кўрсаткичлари ёқилган ҳолатда бўлиши керак.

Жамоат бино ва иншоотларининг хоналари ва эвакуация йўлларидаги чиқиш кўрсаткичлари ҳамда пол устидаги ёниб турадиган «югурувчи йўлакча» типидagi чиқиш йўналишини кўрсатиб турадиган кўрсаткичлар соз ҳолатда бўлиши лозим.

Хавфсиз эвакуацияни таъминлаш мақсадида қуйидагилар тақиқланади:

а) йўлаклар, тамбурлар, галерея, лифт холлари, зинапоялар олдидаги майдонларни, зинанинг қаватлар орасидаги қисмини (марш) ва қопқокли туйникларни (люкларни) мебел, асбоб-ускуна, ҳар-хил буюмлар билан тўсиб қўйиш, шунингдек, эвакуация эшикларини михлаб (беркитиб) ташлаш;

б) хоналардан чиқиш жойларида (тамбурларда) ҳар хил қийим куритиш жойлари, гардероб ва бошқаларни ўрнатиш ҳамда тур-

ли буюмларни ва материалларни сақлаш (кўп квартирали уйлар ва якка тартибдаги турар жойлар бундан мустасно);

в) эвакуация йўлларига эшикларни имитация қиладиган витражлар, ойналар, остоналар, турникетлар, суриладиган, кўтариладиган ва айланадиган эшикларни ҳамда одамларнинг хонани ёки бинони эркин ҳолда тарқ этишларига ҳалақит берадиган бошқа турдаги мосламаларни ўрнатиш;

г) эвакуация йўлларида (оловга бардошлилиги В-даражали бўлган бинолардан ташқари) деворлар, шифтлар, зинапоялар ва зина катаклари ҳамда полларни қолашда, пардозлашда, бўёклашда ёнғинчи материаллардан фойдаланиш;

д) йўлак, холл, тамбур ва зина катакларидаги ўзи ёпиладиган эшикларни очик ҳолатда ушлаш учун мосламаларини маҳкамлаб

М.ЖУМАНАЛИЕВ

“Биокиме” АЖ ОЙОХТТЭБ II ва НБ инспектори, катта лейтенат.

Т.ЯДГАРОВ, Транспорт қисми биносида ЁХТТЭ 3 бўлима кичик инспектори, катта сержант.

* * * ЭЪЛОН * * *

БАРЧА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210 – сонли қарори билан тасдиқланган “Телекоммуникация линиялари ва иншоотларига шикаст етказмаслик ҳақидаги низими”га асосан шаҳар ҳудудида алоқа линиялари ўтган жойларда ер устки қисмида қазиш, қурилиш ишларини олиб бориш қатъиян тақиқланади. Шаҳар ҳудудидаги барча алоқа тармоқлари жойлашган зоналарда аҳоли ёки юридик шахс бўлишидан қатъий назар бирор бир иш бажармоқчи бўлса Янгийўл шаҳар “Телекоммуникация бўлини масъул ходимлари рухсатсиз барча турдаги ер текислаш, қурилиш ва бошқа ишларни амалга ошириш ман этилади.

“Телекоммуникация” линия иншоотлари қоидаларини бузиш, алоқа линияларига қасддан шикаст етказиш маъмурий ва жиноий жавобгарликка олиб келади.

Ҳурматли шахримиз фуқаролари, алоқа линияларини асрайлик ва авайлайлик. Зеро, ҳозирги кунда алоқасиз қолиш ташқи дунёдан буткул узилиш демакдир.

Янгийўл шаҳар “Телекоммуникация бўлини масъул”.

ҚУРИЛИШДА ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛАЙЛИК!!!



Тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, кўп йил хизмат қилган, қурилиш механикаси барча қоидаларига асосланган ҳолда, ҳисоблаб чиқилган, қурилиш конструкциялари ёнғин шаронтида бир неча соат, ҳаттоки бир неча дақиқа ичида қулаши мумкин. Кўп қаватли уйларда ва бозорларда содир бўлган ёнғинлар барчамизини сергак бўлишга, биноларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлашга эътибор қаратиш лозимлигини аниқлатади.

Ҳўш, ушбу масканларда амалга оширилган ишлар тўлиқ бартараф этилганлигига ким қафолат бера олади. «Кўза кунда эмас - кунда синади», дейди доно халқимиз. Агар ёнғин ёки фавқулодда вазиятлар содир бўлса, хавфни қандай бартараф этиш лозим?! Олиб борилган профилактик тушунтириш ишларига қарамасдан, айрим ташкилот раҳбарлари ёки қурилиш ташкилотлари биноларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ишларига иккинчи масала сифатида қараётганлиги сабабли, вилоятимиз ҳудудида йирик ёнғинлар ҳамда уларда инсонларнинг тан жароҳати олиши, ҳаттоки ҳалок бўлиш ҳолатлари содир бўлмоқда. Ёнғинни ўчиришдан кўра унинг олдини олган афзал. Хусусан, Янгийўл шаҳар ҳудудида капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник қайта жиҳозлаш ишлари олиб борилаётган янги қурилиш масканлари ҳисобга олинган бўлиб, қурилиш масканларининг лойиҳа, смета ҳужжатларида кўрсатилган чора-тадбирларнинг бажарилиши бўйича қурилиш раҳбарларига Янгийўл шаҳар Фавқулодда вазиятлар бўлими ходимлари томонидан тегишли кўрсатма ва тавсиялар бериб келинмоқда. Дарҳақиқат, ҳозирги кунда ҳаётимизни қурилишларсиз тасаввур қилиш қийин. Чунки кундалик турмушимизда жуда кўп ўзгаришлар бўлмоқда, янги технологиялар, ишлаб чиқариш корхоналари ва бошқа тармоқларнинг кириб келиши, ўз навбатида албатта янги корхоналар, янги иш жойлари демакдир. Уларнинг катта маблағлар эвазига қад кўтарилиши эса ҳаммамизга маълум. Шундай экан ҳар бир қурилишнинг пойдевори мустаҳкам бўлиши билан бир қаторда келажак авлодга қолдирилажак мероснинг сифати, мустаҳкам, қолаверса, ёнғин ва зилзила, бошқа табиий офатлардан тўлиқ химояланган бўлмоғи лозим.

Жаҳонгир БАХТИЁРОВ,
шаҳар Фавқулодда вазиятлар бўлими ходими.

* * * ЭЪЛОН * * *

Туман Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри томонидан Янгийўл тумани, “Навбахор” қфй. “Нуробод” мфй. “Боғбон” кўчаси, 30-уй учун Ўлмасов Дониёр Чориёрович номига берилган уйнинг кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Феруза кишлоқдан шахарга йўл олган эди. Хафтанинг душанба куни-тонг сахари бўлгани учунми, автобус йўловчилар билан тирбанд. Йўловчиларнинг кўпчилиги талабалар эди. Улар шахардаги турли ўқишларга шошилишарди. Навбатдаги бекатда Феруза учун таниш бир инсон автобустга чиқди. Тўладан келган, ёши элликларга бориб қолган, шопмўйловли бу киши Абдуҳалил ака эди.

- Амаки, келинг ўтиринг, - дея Феруза унга дарҳол жой бўшатди.

- И-е кизим сенмисан? – Абдуҳалил ака ҳам дарҳол уни таниб, у бўшатган ўриндикка жойлашар экан, - Раҳмат, илоё умрингдан барака топ,-дея дуога қўл очди. Сўнг беихтиёр кизиксиниб савол берди.

- Исинг Ферузамиди? Жияним Шохистанинг дугонаси, ҳам синфдошисан-да. Ҳа-а, қайга йўл олдинг?

- Шахарга, педагогика институтида ўқияпман амаки. Шанба куни уйга келгандим. Энди институтга кайтаёпман.

- Яхши, яхши... Ёшлиқда ўқиш керак. Дугонанг Шохистадан хабаринг бўлса керак-а?

Ташқарида шивиллаб ёғаётган, совуқ ёмғир томчилари автобус ойнасини юваётган ёмғирли куз табиятини Феруза салонда тик турганича кузатиб борар экан, беихтиёр қайсидир куни телевизор орқали ёшларга бағишланган кўрсатув ёдига тушди.

- Амаки, Шохистани телевизорда кўрсатишди. Институтнинг энг иқтидорли талабаси бўлиб, АҚШда ўқишни давом эттириши учун грант ютиб олган экан. Кўриб жуда ҳаяжонландим, ҳам хурсанд бўлдим.

- Шундай қизим. Дугонанг ишончимни оқлаяпти. – Абдуҳалил аканинг шу сўзлари баҳона Феруза ўйчанлашиб қолди. Ёмғир забтидан дарахтлардаги хазонлар тўкилаётган сокин куз табияти сингари у ҳам хазин хаёлга берилди. Беихтиёр ўқувчилик йилларини эслди.

... Ўшанда Феруза кишлоқ мактабининг 6-синфда ўқир эди. Киш кунларининг бирида синфда янги киз пайдо бўлди. Новча бўйли, озгиндан келган бу киз Шохиста эди. Тим қора кўзлари ўйчан бу киз табиятан камгап бўлсада-да, аммо дарсларда фаоллиги, барча фанлардан аъло баҳоларга ўқиш билан ажралиб турарди.

Сир эмас, Феруза ҳам синфда аълочи бўлгани ва шу боис синф раҳбари Умида опа унга ишонч билдириб, синф сардорлигига сайлашни ўқувчиларга тавсия берганди.

Ўша кезлар Феруза синф сардори сифатида доимо ўзини кўрсатишни яхши кўрарди. Кутилмаганда ундан ҳеч жабҳада қолишмайдиган Шохистанинг синфга келиб қўшилиши ўзаро рақобатни туғдириши табиий эди.

- Мактабга бугун келиб дарров ўзини кўрсатишни бошлади-ку, бу киз...

- Феруз, Шохиста сендан синф сардорлигини тортиб олмакчи-ёв.

- Ўқитувчиларга яхши кўринмокчи у. Ҳамма дарсларда биринчи бўлиб намуноча қўл кўта-раверади. – Баъзи синфдош дугоналар атайин шундай сўзлар билан Ферузанинг гашини келтирмокчи бўларди.

- Майли ўзини кўрсатса нима бўлибди, - дея Феруза ўзини дугоналари учун бепарво кўрсатишга ҳаракат қилса-да, аммо унинг кўнглида ўша кезлар ғайрилиқ аломатлари пайдо бўла бошлаган эди.

Улар еттинчи синфга ўтган йили сентябрь ойи бошида синф сардорлигига қайта сайлов ўтказилди. Синф раҳбари Умида опа сардорликка Феруза билан бирга Шохистанинг ҳам номзодини ўқувчиларга тавсия этди. Шунда Шохиста

Лекин она тириклик ҳам

Билсанг ярим ҳикматдир.

Феруза шеърининг шу жойини айтаётган пайт бирдан Шохиста юзини столга бериб, эзилиб йиғлаб юборса бўладими?! Ўшанда синфдошлар Шохистани зўрга юпатишди. Йиғидан кўзлари шишиб, қизариб кетганди.

Кейинчалик Феруза биргаликда Шохиста билан мактабдан уйга қайтишар экан, Шохиста дугонасига кўнглини ёрмокчи бўлиб савол берди:

- Сизлар бу қиз нега бунча йиғлоки, деб ўша куни ҳайрон бўлгандирсизлар-а?

- Ҳа-а, ҳамма ҳайрон қолди. Ўзи нега бунчалик йиғладинг?

Куёш чарақлаб турган баҳор ҳавосида тўйиниб нафас олар экан, Шохиста бироз юришдан тўхтаб ўйланиб қолди. Кўнглини яқин дугонасига ёрсинми, йўқми деган савол ичидан ўтган бўлса ажабмас. Сўнг қийналиб гап бошлади.

-Биласанми, Феруза. Менинг, менинг онам икки йил бурун руҳий касалликлар шифохонасида вафот этдилар. Отамни эслолмайман. Ёшлигимда дунёдан ўтган эканлар. Мендан икки ёш кичик укам бор эди. Бир куни уни машина

ТОҒА ИШОНЧИ

(ҲИКОЯ)

синф хонасидаги партадан кескин ўрнидан туриб, Умида опага:

-Мен синф сардори бўлмайман. Ҳали янги-ман. Барча синфдошларнинг феъл-атвори, уй шароитларини билмайман. Ферузанинг ўзи синфни яхши бошқараяпти, сардорликда ўзи қолаверсин, -деса бўладими.

Шохистадай аълочи кизнинг унга чин дугоналардай ён босгани Ферузанинг кўнглини юмшатди. Кейинчалик унга нисбатан дўстлик риштаси мустаҳкамланишига сабабчи бўлди.

Айниқса бир гал адабиёт дарсидаги кутилмаган ҳодиса барча ўқувчилар қатори Ферузани ажаблантирди. Ўшанда хотин-қизлар байрами шарофати билан синф ўқувчилари очик тарбиявий соат дарсига тайёрланишаётган эди.

Феруза бир пайт доска олдида чиқиб шоир Абдулла Ориповнинг “Онажон” шеърини ифодали ёд айта бошлади.

Гарчи фано ҳар кимсага

Азалий бир қисматдир,

уриб кетди. Билсанг, шифохонада қийналиб жон берди у. Шундан сўнг кўп ўтмай онам... онам оғир дардга чалиниб, сўнг руҳий касал бўлиб қолди. Тоғам уларни руҳий хасталиклар шифохонасига жойлаштиришга мажбур бўлдилар.

Тоғам билан улар олдида тез-тез бориб турардик. Майли онам касал бўлсалар ҳам яшасалар қани эди... Онам ҳам вафот этгач, тоғам мени ўз тарбиясига олдилар. Мени шу кишлоққа олиб келиб, мактабга жойлаштирдилар. Кўриб турганингдек энди биз синфдошмиз. – Шохиста кўзда ёш билан ўшанда бу воқеаларни Ферузага сўзлаб берганди.

Феруза Шохистани дугона сифатида яқин олиб, тез-тез у яшайдиган тоғаси Абдуҳалил аканинг уйига борадиган бўлиб қолди.

Бир куни борганда, Шохиста тушдан сўнг ҳовлида оқаётган кран олдида, чўқкалаб бир қанча идиш товоқларни юваётган эди. Феруза ҳам унга ёрдамлаша бошлади.

Шу пайт ҳовлига Абдуҳалил ака кириб келди.

Синфхонага барча ўқувчилар киришди. Синфда йигирмадан зиёд ўқувчи бўлсаям ҳар бирини фикри дунё қараши ҳар хил. Бир пайт ўқитувчиси Маматов кириб келди. Ассалому алайкум устоз...барча ўқувчилар бир овоздан салом беришдилар.

- Ваалайкум ассалом болалар...ўтиринглр. - дея ўтириб синф жўрналини варақлай бошлади.....

Синфхонада тинчлик ҳукм суради. Ҳаммани диққати ўқитувчининг кейинги саволида эди. Нега дейсизми...барча ўқувчилар тайёрланиб келишган, баҳо олишлари керак, бунни устига ўзларини кўрсатиш керакда....

Бир пайт ўқитувчи йўқлама қилиб бўлгач, уйга вазифани бирин кетин сўрай бошлади.

- Қани болалар ким тайёр, ким доскага чиқади? Одил қани доскага! - деди.

- Мен сув ичадиган идишни олиб келдим. Чунки сув ҳаёт манбаи...сув бўлмаса ҳаёт ҳам бўлмайди! - деди.

- Яхши баҳонг ижобий ўтир...қани яна ким? Ҳулқар қани сен чиқчи! - деди устоз.

- Мен бобомдан сўраб билдимки, бу кўза ясалган лой жудаям қиммат экан. Гар шундай экан бу жаннатдан олинган деб ўйладим.- деди.

Ҳар бир ўқувчидан ўқитувчимиз бирма бир сўраб турлича фикрларни эшитди. кўпини фикридан қониккан бўлса, кўпчилигини жавобидан кўнгли тўлмади. Энг охири партада Нодирни бир ўзи ўтирарди. Ўқитувчи бироз ўзини ва қолганларни кўнглини кўтармокчи бўлиб Нодирни доскага чорлади. Нодирни бунақа нарсалар тополмаслигини, ҳатто ақли етмайди бир овсар бола деб доим шундай ўйлаб юрарди.

У дарҳол жиянига юзланиб:

- Бунча идиш-товоқни сенга ким ювдириб қўяпти, - деди.

- Ўзим... – Шохиста бўшашиб жавоб берди. – Келин оймга ёрдам бермокчи эдим.

- Дарсларингни тайёрладингми?

- Ҳали вақтли-ку. Тайёрлайман-да.

Шу он кутилмаганда Абдуҳалил ака хотинини ичкаридан қақириб олиб:

-Шохистани рўзгор юмушлари билан кўп чалғитма. Бу кизнинг биринчи навбатдаги вазифаси ўқиш бўлиши керак. Бу гапни бекорга айтаётганим йўқ. Ўқитувчиларнинг гапига кўра жиянимнинг зехни жуда ўткир экан. Худо берган иқтидорини қўллаб-қувватламасангиз бўлмайди, дейишаяпти. Бу кизни албатта ўқитаман. Шунда опамнинг руҳи ҳам шод бўлади, - деди қатъий оҳангда.

Кўп ўтмай, келгуси ўқув йилида тоғаси ўзи бош бўлиб Шохистанинг ҳужжатларини шахардаги ўқишга топширтди. У аниқ фанларга ихтисослашган интернат-мактабга кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширди.

Бу кун Шохистанинг АҚШдаги нуфузли олийгоҳда ўқишини давом эттиришдек муваффақиятида тоғасининг ташаббускорлиги, отасидай унга жон қуйдириши сабабчи эканлигини Феруза шу тобда ич-ичидан ҳис этиб турарди. Абдуҳалил ака бежизга “Дугонанг ишончимни оқлаяпти” деб гурур билан сўзлаши замирида қанча меҳр-мурувват мавжуд .

Феруза автобуста тик турган ҳолатда Абдуҳалил ака билан суҳбатлашиб борар экан:

- Амаки, Шохистани кўрмаганимга ҳам чамаси уч-тўрт йил бўлди. Соғинганман. Телефон рақамини берсангиз. У билан гаплашар эдим. Муваффақияти билан табриклаган бўлардим.

- Ҳозир, шахарга етгач, автобусдан тушайлик. Рақамини телефонингга ёзиб оласан, - деди Абдуҳалил ака.

Феруза шу тобда ўқувчилик йиллари яқин дугонасига айланган Шохистанинг кечган оғир болалик қисматини ҳазин бир кайфиятда эслар экан, унинг тиришқоқлигига, келажаги йўлида қийинчиликларга бардошлилигига ич-ичидан тан бериб, “Қойил!” дегандай сезилар-сезилмас бош тебратиб қўйди.

Шу тоб автобус салонига уфуриб кирган ёмғирли намхуш шаббода унинг дилига хуш ёқди...

Улугбек МУСТАҒО.

Ўқитувчи дарсни охирида ўқувчиларга уй вазифаси бериб шундай деди:

- Болалар...эртанги дарсимизга Жаннатни эслатадиган нарса олиб келиб, уша олиб келган нарсангизга таъриф беришигиз керак!- деди.

Болалар ҳаммаси синфхонадан чиқиб уйларига кетишди. Ҳар бир ўқувчи ўзича изланди, маслаҳатлашди ва ҳар бири уйга вазифани ўзича ечимини топишга уринди. Нодир жудаям камсуқум бола эди. Уни устига ночорроқ яшашарди. Отаси оламдан ўтган бўлса Онаси бироз бетоб бўлиб қолганди.Дарсдан кейин уй ишларига баъзида эса кунлик ишга чиқиб келарди рўзгорига фойда бўлсин деб. Синфдош ўртоқлари уни кўпам пинанд килмас, устидан қулиб юрарди. Дарс қилишга ҳеч вақти ҳам бўлмасди Нодирни. Чунки онасини соғайиб кетиши учун ғамхўрлик қилиш керак, кўнглини кўтариш керак, яхши овқатлантириши керак эдида. Ўша куни Нодир эртага мактабга нимани мисол қилиб олиб борсам яхши бўларкан дея ухлаб қолди. Уйкусида туш кўрди, тушига оламдан ўтиб кетган бобоси кирди. Ва нимани олиб боришлигини унга уқтирди.

Тонгда уйғонган Нодир, нонушта тайёрлади ҳам ўзи ҳам онаси учун. Ҳамма ишларни қилиб бўлгач нонуштага ўтириб онаси билан овқатланди. Мактаб қийимини кийиб сўмқасини олиб китоб дафтларларини солди. Бир пайт ташқарига югуриб чиқиб остонасидаги ердан бир сиқим тупроқни қоғозга солиб ўрадида сумқасиги солиб мактабга жўнади. Мактабга келгунча онаси ўргатган фотиҳа сўрасини такрорлаб келарди. Мактабгача йўл анча олисроқ эди. Онаси бетоб бўлсаям ётган жойида ўн яшар ўғлига де-



ярли ҳар куни битта сурани ёдлатардида.

Кенг далалар кучоғидан ўтиб борар, осмондаги бобо куёшга ҳам боқар, ён атрофдаги кўм кўк табиятдан завқ олиб эрталабдан сайроқи қушчаларнинг овозларни тинглаб бир бир ўз хуштаги билан ҳам жўр бўлиб қўярди. Мана мактабгаям етиб келди. Деярли барчадан эртачи келганди ҳар доимгидек. Мактаб қорувили Маҳкам бобо билан саломлашиб бироз гаплашиб ўтирди.

- Нодиржон болам...онанг яхшими...қариндошларинг ҳам ахволларингдан хабар олиб туришибдимиз? - деди Маҳкам бобо уни бошини силаб.

- Бобожон, раҳмат анча тузуқлар...оёқларини секин секин босяптилар. Бобожон бизни қариндошларимиз йўқ...борлари ҳам бегоналашиб кетишган. Онажоним келмасалар ҳам соғ бўлишсин, ҳозир ким ҳам ўздан ортарди... дейдилар! - деди Нодир.

Кунлик ишга бориб келади деб боя ёзганимдек, кишлоқ одамлари яхши. Олма тергани қақиряшди, ёнғоқ пишса ёнғоқ...хуллас нима баҳона қилиб бўлсаям уларга ёрдам беришга ҳаракат қилишди. Шундай моддий ёрдам берса олишмаганликлар учун иш баҳона пул беришди. Аллоҳ шундай инсонлардан рози бўлсин илоҳим.

- Бобожон, мен энди борай, ҳадемай дарсимиз ҳам бошланиб қолади. Кечикиб гап эшитиб қолмай тагин! - дея сўмқасини кўтариб синфхонага кириб кетди.

Ортидан Маҳкам бобо раҳми келиб қараб турар, қанийди анави бойвачча ўғли рози бўлсада ҳар доим моддий жиҳатдан ёрдам бериб турса. Ўғлига мансаб ва бойликни бергану, ақл фаросатни бермаган...айниқса юракни жуда кичкина берган шекилли хотинидан ўлгудай кўрқади.... Ҳаёт шунақа пас баландликлардан иборат экан... дея секин қорулхонаси томон бурилиб кетди.

ЯНГИ КУЧ ВА ШИЖОАТ БИЛАН



Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Янгийул туман бўлини кенгаши томонидан Мактабча ва мактаб таълими бўлими тасарруфидagi барча таълим муассасаларида 2023-25 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг бажарилиши бўйича умумий йиғилишлари бўлиб ўтмоқда.

Унда икки томонлама тузилган комиссия аъзоларининг далолатномалари ўқиб эшиттирилмоқда ва иш берувчи ҳамда касаба уюшма раисларининг маърузалари тингланиб, жамоа шартномасига ўзгартиришлар киритилмоқда. Йиғилишларда туман кенгаши раиси С. Зияева, кенгаш аъзолари қатнашиб ходимларнинг саволларига жавоблар бериб, ўз фикр мулохазаларини билдирмоқдалар. Йиғилиш якунида жамоа шартномасининг бажарилиши жамоа аъзолари томонидан баҳоланмоқда.



Атроф - муҳитни ифлосланиши — экологик ҳолатга салбий таъсир қиладиган моддаларнинг атроф-муҳитда мавжудлиги. Табиий муҳитни ифлосланиши табиий ресурсларнинг камайиб кетишидан ташқари, экологик тизимларнинг бузилишига ва энергия алмашинувининг табиий ҳолатда кечишига жиддий таъсир қилади. Табиий муҳитни ифлосланиши табиий моддалар тупроқ, сув, ер ости бойликлари, атмосфера ҳавоси таркибининг физик ва кимёвий ўзгаришига олиб келади. Агар бундай ўзгариш инсон ҳаётининг фаолияти билан боғлиқ бўлса — антропоген ифлосланиш, унинг иштирокисиз боғлиқ бўлса табиий ифлосланиш дейилади.

Атроф табиий муҳитнинг антропоген ифлосланиши умумий ифлосланишнинг 90-97 фоизни ташкил этади. Атроф - муҳит ифлосланиши сув ресурсларига жиддий таъсир кўрсатаётганлигини Орол муаммосидан ҳам кўришимиз мумкин. Бундай муаммоларнинг юзага келишида антропоген омилнинг таъсири йўқ эмас. Энди Ўзбекистондаги сув муаммосига эътибор қаратсак. БМТ маълумотларига кўра, бугунги кунда сайёрадаги ҳар учинчи одам тоза ичимлик сувига эга эмас.

Олиб борилган таҳлилларга кўра, 2050 йилга келиб 5,7 миллиардгача бўлган одамлар йилда бир ой мобайнида чучук сув танқислигини ҳис этадиган ҳудудларда яшайди.

Барқарор сув таъминоти ва санитария йилига 360 минг янги туғилган гўдаклар ўлимининг олдини олиши мумкин.

Ўзбекистоннинг сув ресурслари қайта тикланадиган ер усти ва ер ости сувлари, шунингдек, антропоген фойдаланишдан қайтадиган сувлар (дренаж ва оқова сувлар) дан иборат. Ўртача кўп йиллик жаами оқар сув ҳажми 114,4 км³ ни ташкил этадиган Амударё ва Сирдарё трансегаравий дарёлар Ўзбекистонда ер усти сув оқимини шакллантирадиган асосий манбалар ҳисобланади.

Ўзбекистон ҳудудида 17 777 та табиий оқар сув манбалари (Амударё ҳавзасида — 9 930 та, Сирдарё ҳавзасида — 4 926 та) ва 500 дан ортиқ кўл бўлиб, Айдар-Арнасой кўллари тизими уларнинг энг каттаси ҳисобланади, шунингдек, прогноз қилинган ҳажми суткасига 75,5 миллион м³ ни ташкил этадиган чучук сув ва бироз шўрланган ер ости сув-

АТРОФ - МУҲИТНИ ИФЛОСЛАНИШИ ВА ТОЗА СУВ ТАНҚИСЛИГИ

лари конларида 26 мингдан зиёд қудуқлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» 2019 йил 30 октябрдаги фармонида мувофиқ 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф - муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини амалга ошириш натижасида қишлоқ хўжалигида сув ресурсларини йўқотишни 10 фоизга камайтириш, қишлоқ хўжалигида сув истеъмолини (солиштирма гектарга нисбатан) 15 фоизга камайтириш, оқова сувларини тозалаш самарадорлигини 80 фоизгача оширишга эришилади. Шу доирадан келиб чиқиб Президентимизнинг БМТ 78-ассамблеясида сўзлаган нутқини хулоса ўрнида кўриб чиқсак.

19 сентябрь куни Нью-Йорк шаҳридаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош қароргоҳида БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессиясининг умумсиёсий мунозаралари бошланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари кейинги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ва ортга қайтмас тус олган кенг қўламли ислохотларга алоҳида тўхталиб, глобал ва минтақавий

кун тартибидagi энг долзарб масалалар ечимига қаратилган қатор ташаббусларни илгари сурди.

Ҳозирги вақтда дунёда кескин экологик вазият кузатилиб, сайёрамиз микёсида учта инкироз, яъни иқлим ўзгариши, биохилма-хиллик йўқолиши ва атроф-муҳит ифлосланиши кучайиб бораётганини қайд этиб, Президентимиз Марказий Осиё иқлим ўзгаришлари олдида энг заиф минтақалардан бирига айланаётганини кўрсатиб ўтди.

Ўзбекистон томонидан Орол фожияси оқибатларини бартараф этиш йўлида қўрилатган чоралар, минтақамиздаги иқлим ўзгаришининг салбий таъсири ва сув билан таъминланганлик даражасининг камайиш тенденциялари тўғрисидаги маълумотлар келтирилди.

Бу вазиятдан келиб чиққан ҳолда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотибининг Сув ресурслари бўйича махсус вакили лавозими таъсис этилиши, Марказий Осиё сувни тежайдиган технологиялар платформаси яратилиши ва минтақамизда қабул қилинган Яшил тараққиёт дастури доирасида тизимли ҳамкорлик йўлга қўйилиши қўллаб-қувватланди.

Ф. ШАРИПОВА, тумандаги 2-касб хунаар мактаби директори ўринбосари.



ҲИСОБОТ ЙИҒИЛИШЛАРИ

Шаҳардаги 2-мактабда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Янгийул шаҳар бўлини кенгашининг бошланғич ташкилотларида жамоа шартномасининг 2023 йил ижросига бағишланган умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда иш берувчи ва касаба уюшма раиси ҳисоботи тингланди. Йиғилиш сўнггида ходимларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди. Йиғилиш қарори билан жамоа шартномасининг 2023 йилги ижроси қониқарли деб баҳоланди.

2023-2025 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномалари бўйича 2023 йилги ижросига бағишланган ҳисобот йиғилишлари давом этмоқда.

КЕЛАЖАК ЙЎЛЛАРИМИЗНИ ЁРИТУВЧИ МАШЪАЛ

Китоб - энг яқин дўст, қадрдон ҳамроҳ, келажак йўлларимизни ёритувчи чирок. Китоб билан инсон қамолотга етади. Ҳар ким ўз қизиқишларидан келиб чиқиб китоб танлайди.

“Ниёзбош” маҳалласида Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлини ҳамда туман Ахборот-кутубхона маркази билан биргаликда Маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар самарадорлигини оши-

риш, китобхонликни ривожлантириш ҳамда маънавий таҳдидларнинг олдини олиш мақсадида “Китобхон оналар куни”, “Китобхонлик оиладан бошланади: китобхон она — китобхон бола” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Ушбу тадбирда “Ниёзбош” мфй. аҳолиси хонадонларига кириб янги китоблар, ўқув-қўлланмалар бўйича маълумотлар берилди.



Тумандаги 1 – касб-хунаар мактабида Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлини ташаббуси билан “Янги ҳаёт учун, янги Ўзбекистон учун!” шиори остида “Маҳаллада дув-дув гап” лойиҳаси доирасида “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” йилнома тарғиботи бағишланган маънавий-маърифий тадбири ўтказилди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимиз раҳбари томонидан 2024 йилга “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш” деб ном берилган, ёшларимизга ва тадбиркорларимизга қатта имкониятлар яратиб борилаётгани ҳақида гапириб ўтдилар.

Тадбир давомида 1- касб-хунаар мактаби ўқувчилари томонидан тақдим этилган шеърлар, гўзал рақслар тадбирни янада чиройли ўтишига асос бўлди.

Янгийул шаҳар Ахборот кутубхона марказида “Орзу” уюшмаси аъзоларининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Абруева Фарангиз “Устозлар изидан” ва “Илк парвоз” шеърлар номли китоб тақдимотини ўтказди.

Сухбат сўнггида Ф.Абруева ўз китобини Янгийул шаҳар Ахборот кутубхона марказига совға қилди.

А.КАРИМБОВ.



YANGIYO'L

Газета ҳафтанинг жума куни чиқади

Муассислар: Янгийул туман ва шаҳар ҳокимликлари

Бош муҳаррир: Аҳмаджон РИХСИБОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар муаллифга қайтарилмайди. Сотувда эркин нархда

Нашр кўрсаткичи: 64824

Таҳририят манзили:

Тошкент вилояти, Янгийул шаҳри Ш.Рашидов кўчаси, 6-уй. Шаҳар ҳокимлиги биноси.

Телефонлар:

7060-2-26-02, 7060-2-20-23

ISSN 2181-6700

7060-2-26-02, 7060-2-20-23

Навбатчи: А.АБДУВАЛИЕВ. Газета “Yangiyo’l” газетаси компьютер марказида саҳифаланди. Саҳифаловчи: М.АБДУСАМАНОВА

Газета таҳририятнинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«SOVA-OMAD» ЖДда чоп этилди. Тошкент вилояти, Янги-Йул кўчаси, Оқоғат кўчаси, 50-уй.

Босмаҳонага 8/02-2024 й. Топширилди соат 16:00

yangiyulgazeta@mail.uz

*Қоғоз бичими — А-3

1 2 3 4 5

Газета Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси *Буюртма! томонидан 2017 йил 19 июнда № 21-3977 рақам билан рўйхатдан ўтказилган. *Газета 523 нусхада офсет усулида босилди

Ҳажми — 2 босма табоқ

1 2 3 4 5 6 7 8 9 0



